

МЧЖ «Бухоро тайёрлов таъминот» (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади) номидан ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Атоев А.** (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва **РИКМИАТМ Бухоро филиали** (корхона, ташиқлот, муассаса номи), (кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади) номидан ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Сафаров Ж.О.** (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан маскур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Махсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Пиёз	кг	40	1800	72000
2	Сабзи	кг	40	1500	60000
3	Карам	кг	20	5000	100000
4	Картошка	кг	90	4000	360000
5	ошқовок	кг	25	2000	50000
6	Тухум Д-1 тоифали	шт	60	900	54000
	<b>Жами:</b>				<b>696000</b>

1.2. Маскур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» январ 2022 йилгача

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **696000 (Олти юз туксон олти минг)** сўмни ташиқил этади.
- 2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори **208800** сўмни, яъни, белгиланган сўманинг 30 фоизини ташиқил қилади ва бу олдиндан тўлов **2022 йилнинг январ** ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **487200** сўмни, яъни, келишилган сўманинг 70 фоизини ташиқил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг **2022 йил «31» январ** амалга оширилади.
- 2.3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16-мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларида, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 3.1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (махсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига қўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у эъза шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта иноватга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб берадиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сўманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сўманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.



6.1. Мазкур шартнома 2021 йил 08 феврал 2021 йил «28» февралгача амалда бўлади.  
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:  
- томонларнинг келишувига мувофиқ;  
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.  
- Форс-Мажор ҳолатларида

### 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

### 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.  
8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади  
8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

### 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

МЧЖ «Бухоро тайёрлов таъминот»

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали.

Манзили: Бухоро шаҳар. Шафтолизор кучаси 24/1 уй

Манзил: Бухоро шаҳар Мухаммад Иқбол 50/1

Тел/факс: 99891-312-90-31

Тел./факс 8-365.221-75-69.

х/р: 20208000704294335001

ш/хв\*401321860064017073201054002

Банк номи: АТБ «Алоқабанк» Бухоро филиали

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201512084

МФО-00961

ОКОНХ-91511

ОКОНХ-46170

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Бухоро Вилояти Ҳазначилик бошқармаси

СТИР- 204733417

Ҳазна х/в:23402000300100001010.

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар (лавозим) Атоев.А (Ф.И.Ш)

Филиал директори (лавозим)

Ж.О.Сафаров (Ф.И.Ш)



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

[Signature]